

ЧУСТ ҲАҚИКАТИ

1931 йил 20 ноябрдан чиқа бошлаган

Туман ҳокимлигининг газетаси



веб-сайт: www.Chusthaqiqati.uz

E-mail: Chusthaqiqati@mail.ru

2020 йил 3 декабрь *** № 35. (764207)

ЧУСТ ҲАҚИКАТИ

Халқ депутатлари Чуст туман Кенгашининг ҚАРОРИ

1 декабрь 2020 йил Чуст шаҳри 88/21-06-сонли

28-БАЙМОК САЙЛОВ ОКРУГИДА БЎШАБ ҚОЛГАН УРИНГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЧУСТ ТУМАН КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА САЙЛОВ УТКАЗИШ ТУҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддаси ҳамда Сайлов Кодексининг 93-моддасига мувофиқ Халқ депутатлари туман Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 28-Баймок сайлов округида бўшаб қолган ўринга Халқ депутатлари Чуст туман Кенгаши депутатлигига сайлов 2021 йил 10 январь, яшанба кунини ўтказилсин.
2. Мазкур сайловни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси сайлов Комиссиясининг 2020 йил 26 августда қабул қилинган №1033-сонли қарори талаблари асосида ташкил этилсин.
3. Ушбу қарор туман сайлов комиссиясига юборилсин.
4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман Кенгашининг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ш. Мадалимов, Халқ депутатлари туман Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари доимий комиссияси раиси М. Ҳомидовлар зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Чуст туман Кенгаши раиси, туман ҳокими: Б. Ҳамдамов.

Туман Кенгашининг СЕССИЯСИ

Туман ҳокимлигининг мажлислар залида туман Кенгашининг 21-сессияси бўлиб ўтди. Сессияни халқ депутатлари туман Кенгаши раиси, туман ҳокими Б. Ҳамдамов очди ва олиб борди. «Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2020 йил 26 ноябрдаги 83/20-06-сонли қарорининг 2 ва 3-бандлари ижросини таъминлаш тўғрисида»ги масала юзасидан туман ҳокимининг қишлоқ ва сув ҳужалиги масалалари бўйича ўринбосари И. Абдуллаевнинг ахбороти тингланди.

Туман ҳокимининг тегишли қарори билан 2015 йил «Сабзавор» худудидан «Chust Agro Fruits» МЧЖга 14,78 гектар ҳамда 2000 йил тadbirkor О. Обидовга 2,5 гектар интенсив боғ ташкил этиш учун ер ажиратиб берилганди. Бироқ шу қунгача ҳеч қандай боғ ташкил этилмай, ердан самарасиз фойдаланиб келинмоқда.

(Давоми 2-бетда).

8 декабрь - Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси қабул қилинган кун

МАМЛАКАТИМИЗ 28 ЙИЛ ДАВОМИДА БОСИБ УТГАН ҒОЯТ МУРАККАБ ВА ШАРАФЛИ ЙЎЛ БОШ КОМУСИМИЗНИНГ ҲАЁТБАҲШ КУЧИ ВА УЛҚАН САЛОҲИЯТИДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ. АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ НЕГИЗИДА ЯРАТИЛГАН ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ БУГУНГИ КУНДА ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ҚУТАРИШДА, ИННОВАЦИОН ВА ИНДУСТРИАЛ РИВОЖЛАНИШ САРИ ОДИМЛАШДА БЕҚИЁС УРИН ЭҒАЛЛАМОҚДА.



КОНСТИТУЦИЯ - бизнинг келажагимиз

Халқ билан доимий мулоқотда бўлиш, одамларнинг ташвиш-муаммоларини ҳал этиш, уларни рози қилиш фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Бошлаган улкан ислохотларни самарали амалга оширишда ушбу масалаларнинг аҳамияти кун сайин тобора ортиб бораётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Айнан шу сабабли Бош қонунимизни чуқур ўрганиш, англаш, ҳаётга жорий этиш ва унга сўзсиз амал қилиш - барчамизнинг шарафли бурчимиздир.

Масалан, Конституцияимизнинг 2-моддасида, Давлат халқ

иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади, 7-моддасида эса Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир деб белгиланган. Бугун мухтарам Президентимиз томонидан белгилаб берилган "Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак" деган принцип барча бугундаги раҳбарлар фаолиятида асосий қондага айланиши керак эканлиги белгилаб берилди. Натижанда ҳар бир раҳбар, масъул ходимлар жойларга чиқиб, халқимизга муносиб турмуш шaroитини таъминлаш мақсадида уларнинг муаммоларини ўрганиш ва бартараф

этиш бўйича ижобий ишларни амалга оширмоқда.

Халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб шароит яратиш - Конституцияимизнинг бош мақсади.

Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг энг самарали йўли бу - тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Конституцияимизда иқтисодий фаолият, тadbirkorлик эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенглиги ва давлат томонидан бирдек муҳофаза этилиши кафолатланган.

(Давоми 2-бетда).

Ноябрь ойининг сўнги ўн кунлигида ёққан қор барчамизни ўлкамизга аёзли мавсумни бирмунча эртaroқ келишидан огоҳлантирди. Қишнинг қировли кунлари эшик қоқиши билан фуқароларнинг электр ва газ билан боғлиқ муаммолари авж олади. Айниқса, электр таъминотидаги узлишлар ҳақидаги хабарлар ижтимоий тармоқлар ва телеграм каналларининг асосий ва оғриқли мавзусига айланди. Тўғрида, газ этиб бормаган жойлардаги фуқаролар совуқда чироқсиз ҳам ўтиришинми? Кунини кеча интернетда Японияда аҳолини огоҳлантирмасдан электр токи узлиб қолгани учун энергетика вазири халқдан кечирим сурагани ҳақидаги суратлар эълон қилинди. Ҳатто бизда, деган изоҳлар ҳам қолдиришди.

Ҳуш, электр таъминотидаги узлишларнинг асосий сабаби нимада? Туманимизда куз-қиш мавсумини хотиржам, беталофат ўтказиш, тизим фаолиятини тула қувват билан ишлашига эришиш учун электр таъминоти корхонаси томонидан қандай тadbirkor қўрилди?

Туманимизда жорий йилнинг 10 ойи давомида 352, 865,7 минг киловатт-соат электр энергияси етказиб берилган. Бу эса бир суткада 980,2 минг киловатт соатни, бир ойда 29 405,5 минг киловатт соатни ташкил этади. Куз-қиш мавсумига тайёргар-



ТАЙЁРГАРИК ЯХШИ, АММО...

лик доирасида жорий йилдаги режага қўра, паст кучланишли электр тармоқларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича туманда 15 донa трансформатор пунктлари қўриб ишга туширилди. 121,4 км. 6-10-0,4 кВ.ли электр узатиш тармоқлари, 72 донa 6-100,4 кВ.ли трансформатор пунктлари мукамал таъмирланган. Бунинг учун давлат бюджетидан 366,8 млн. маблаг сарфланди.

Шунингдек, "Обод қишлоқ" дастури бўйича Баймок МФИда 5 донa трансформатор пункт 9,5 километр узунликдаги 0,4-6-10 кВ. электр узатиш тармоқлари мукамал таъмирланди. 6 донa трансформатор пункти ва 11 километр узунликдаги тармоқлар жорий таъмирланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 ноябрдаги 2017-2021 йилларда паст кучланишли тармоқларни янада модернизация қилиш ва янгилаш дастурига асосан 2,9 километр тармоқ ва 1 та трансформатор пункти лойиҳа асосида янги қўриб ишга туширилди. Бунинг учун 218,7 миллион сўм маб-

лаг сарфланди. Ёрқишлоқ, Бозорбоши, Дўзанда маҳаллаларида ҳам тармоқлар жорий ва мукамал таъмирланиб, янги трансформаторлар ўрнатилди, - дейди туман электр таъминоти корхонаси муҳандиси Дилшод Умаров.

Корхона томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик қўриш ва уни муваффақиятли ўтказиш бўйича режалаштирилган ишлар тула бажарилган бўлса, унда ҳали-ҳануз тармоқдаги узлишларнинг сабаби нимада, сураймиз ундан.

Чунки кейинги кунларда ҳавонинг кескин совиб кетиши натижасида аҳолининг электр энергияга бўлган талаби кескин ортди. Табиий газ этиб бормаган аксар аҳоли хонадонларида қувватдан нафақат ёруғлик, балки иситиш мақсадида ҳам фойдаланиши оқибатида таъминотда тез-тез узлишлар, авария ҳолатлари юзга келмоқда. Учиришлар ва авариялар билан боғлиқ муаммоларни имкон қадар тезлик билан бартараф этиш чоралари қўрилмоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда иқтисодиёти-

мизнинг бошқа соҳалари қатори энергетика тизими ҳам чуқур ислоҳ қилинмоқда. Эндиликда етказиб берилган электр энергиясидан қарздор бўлган истеъмолчилар автоматик равишда тармоқдан узилади. Қарздорлик вужудга келмаслиги учун истеъмол қилинган электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш зарурлигини унутмасликларимиз лозим - дейди Д. Умаров.

Утган ҳафта Наманган худудий электр тармоқлари корхонаси акционерлик жамияти директори Жаҳонгир Ризаевнинг ОАВ ходимлари билан бўлиб ўтган брифингга ҳам вилоятдаги мавжуд электр қурилмаларининг 33 фоизи 40 йилдан кўп ишлаганлигини, ҳозирда уларни босқичма-босқич модернизация қилиш ишлари амалга оширилаётганлигини айтиб ўтган эди.

Дарҳақиқат, айрим фуқаролар бугунги кунда уйларини иситиш мақсадида қўлбола усулдаги иситиш жиҳозларидан фойдаланмоқдалар. Бу эса ортиқча кучланишларга олиб келмоқда. Аҳолига етказиб бериладиган электр энергияси фақатгина хонадонларни ёритиш ҳамда маиший техникаларни ишлатиш учунгина етказиб берилишини унутмайлик. Шундагина узлишларнинг олдини олган бўлаемиз.

Шаҳноза МАМАТОВА.

Туман Кенгашининг С Е С С И Я С И

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу сабаб бу тадбиркорлар билан ер ижара шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш масаласи халқ депутатлари туман Кенгашининг 25 ноябрь куни бўлиб ўтган 20-сессиясида муҳокамага қўйилди. Сессия ишида боғларнинг фаолияти юзасидан ахборот берилди. Масалага янада шаффоф, қонуний ёндашиш мақсадида депутатлар ишчи гуруҳи тузиш таклифини билдиришди. Ва бу масалани навбатдаги сессияга қолдиришди. Мутахассислар ҳамда депутатлардан иборат ишчи гуруҳи тадбиркорлар фаолиятини урганиб, ҳолислар иштирокида ўз хулосаларини беришди.

Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2020 йил 25 ноябрдаги 83/20-06-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича ташкил этилган ишчи гуруҳ раҳбари А. Аҳаджонови урганиш якунлари бўйича ахбороти ҳам тингланди.

Сессияда ижарага берилган ер майдонидан оқилонга фойдаланилмаганлиги, шунингдек, ҳўжалик фаолиятини самарасиз ва паст рентабеллик билан юритиб, белгиланган агротехник тадбирларни ўз вақтида бажармаганлиги учун «Сhust Agro Fruits» МЧЖга ҳамда тадбиркор А. Обидовга берилган ерларга эгаллик қилиш ҳуқуқи бекор қилинди.

Шунингдек, сессияда «28-Баймоқ сайлов округидан бўшаб қолган уринга халқ депутатлари туман Кенгашига депутат сайлови ўтказиш тўғрисида»ги масала ҳам кўриб чиқилди.

Сессияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

СЕМИНАР - ТРЕНИНГ

ВИЛОЯТ МОЛИЯ БОШҚАРМАСИ ҲАМДА ТУМАН МОЛИЯ БУЛИМИНИНГ РЕЖАСИГА МУВОФИҚ МОЛИЯ БУЛИМИДА ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ БЎЛИБ ЎТДИ.

МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРДА



Семинар аввалида вилоят молия бошқармаси жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш инспектори А.Холмирзаев Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2020 йил 9 ойида Вазирлар Маҳкамаси аппарати, вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва маҳаллий иқро ҳокимияти органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги 136-сонли баени билан таништирди. Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари юзасидан ўтказилган таҳлиллар ҳали ҳам мурожаатларни урганишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлигини маълум қилди. Камчиликларни бартараф этиш ва уни келтириб чиқараётган сабабларнинг олдини олиш юзасидан белгилаб берилган вазифаларни тушунтириб ўтди.

Шундан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида намунавий низом батафсил ўрганилди. Семинар-тренинг очик, музокара ва савол-жавоб тарзида ўтказилди.

С. ХОЖАЕВ, молия бўлими бош юрист консулты.

Мароқли тадбир

Фарзандларимиз - келажагимиз давомчиси. Улар ҳар қанча билимли, мулоҳазали, ақлли бўлиб тарбияланса, келажак ҳаётимиз фаровон бўлаверади. "Янги Ўзбекистон - янгича дунёқараш" шиори остида бўлиб ўтган тадбирда мактабимиз юлдузлари ўзларининг қўшиқ ва рақсларини томошабинларга намойиш этишди. Шоҳида Тожиева ижро этган "Шукр қил" қўшигини тинглаган хонанда Ҳамидхон Маллабоев, бу қиз сиймосида Матлуба Дадабоевани кўргандай бўлдим, - деди. "Гуллар" деб номланган рақс гуруҳимизнинг қишқилари барчага манзур бўлди. Шарофатхон Валиеванинг скрипкада ижро этган мусиқаси барчада катта таассурот қолдирди.

Тадбиримизда 2020-2021 ўқув йили учун мактаблар ўртасида ўтказилган фан олимпиадасида кучли 10 таликка кирган ўқувчиларнинг ота-оналари мактаб маъмурияти томонидан "Ташаккурнома" ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Н. МАМАДЖОНОВА,

4-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда). Конституциямизда ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга экани мустаҳкамлаб қўйилган.

Юртимизда амалга оширилган кенг куламли ислохотлар натижасида фуқароларимизнинг урчата умр кўриш давомийлиги сезиларли даражада кўтарилди, болалар ўлимининг эса камайишига эришилмоқда.

Коронавирус пандемияси даврида ўз ҳаётини ҳафф остида қолдириб, "қуринмас душман" билан жангга кирган тиббиёт ходимларини рағбатлантириш, ижтимоий қўллаб-

ёбга чиқариш, турмуш шароитларини яхшилаш йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишга қаратилган кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Зеро, Юрбошимиз таъкидлаганларидек, "Биз ҳаммамиз изланишдамыз", жамиятда ҳақиқий ишлайдиган, халқ фаровонлигини таъминлайдиган қонунларни қабул қилиш зарур.

Давлат ва жамият ривожланиши, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар натижасида Конституциямизга шу кунга қадар 14 марта ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Киритилган охириги ўзга-

мавжуд. Ҳар қандай қонун маълум ҳуқуқ бериш билан бирга, зиммамизга мажбурият ҳам юклайди.

Асосий қонунимиз билан барча фуқаролар зиммасига Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурияти юклатилган.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши, авваламбор, тарбия ва муҳит билан бевосита боғлиқдир.

Қонунларга ҳурмат одамларимизнинг ҳуқуқий онги ва

КОНСТИТУЦИЯ - БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ

қувватлаш, уларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш юзасидан амалий ишлар амалга оширилди.

Жорий йилда халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш, педагог-ўқитувчилар учун муносиб меҳнат шароитини яратиш бўйича ҳам сезиларли ишлар амалга оширилгани ҳолда, ўқитувчиларнинг иш ҳақи босқичма-босқич кўпайтирилиб, уларни рағбатлантиришнинг янги механизмлари жорий қилинмоқда.

Бу борада ногиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган шахсларни, эҳтиёжманд ва ночор oilаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларни арзон уйлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Жорий йилда ҳам фуқароларимизнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ру-

ришлар суд ҳокимияти тизими, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятидаги ислохотлар, сайлов тизими билан боғлиқдир.

Бугунги кунда барча жаҳада олиб борилаётган ислохотлар натижасида барча соҳада салоҳиятимиз юксалиб, фуқароларимизнинг дунёқарашини ўзгартириб бормоқда. Буларнинг барчаси, энг аввало, Бош қомусимизнинг ҳаётбахш куч-қудрати натижасидир.

Президентимиз ташаббуслари билан амалга оширилаётган ислохотлар натижасида тадбиркорлик фаолияти ривожланиши, чет эл инвестиция кўлами ошди.

Уйлайманки, қилинаётган барча амаллар замирида халқ манфаати, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний таъминлаш ва муҳофаза қилишдек эзгу тилак

маданияти асосида шаклланди. Яъни, айрим кишилар жаҳоддан кўркиб қонунга итоат этса, бошқалар болаликда олган тарбиясига кўра қонунни ҳурмат қилади.

Шу боис биринчи навбатда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбияни кенг йўлга қўйишимиз лозим.

Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик қонунда ва одатга айланиши шарт.

Мухтасар қилиб айтганда, фуқароларимиз қонунларни буюшдан кўра уларга амал қилишдан манфаатдор бўлишлари лозим.

Б. АЛИМОВ, туман адлия бўлими бошлиғи.

ОЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ИФОДАСИ

Хар қандай давлатнинг ўз Конституцияси яъни Асосий қонунини булади ва бошқа барча қонунлар асосий қонунга мос равишда қабул қилинади. Эътиборлиси, ҳар бир давлатга ўз қонунларининг адолатлилик даражаси, инсоният тараққиётининг энг илғор жиҳатларига мослиги, энг муҳими амалдаги қонунларга неогли амал қилинаётганига қараб баҳо берилади. Шу маънода айтиш жоизки, Ўзбекистон ўз мустақиллигининг илк йилларидаёқ давлатчиликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш борасида катта ютуқларга эришди.

1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Конституциямиз аввало, ўзида миллий хусусиятларимизни акс эттирган ва жаҳон андозаларига мос эканлиги билан аҳамиятлидир. Асосий қонунимизнинг ҳар бир банди, жумласи, ифодаси, сўзида инсон манфаатлари ётади.

Масалан, энг олий қадрият тушунчаси, Конституциямизда қонун тили билан аниқ ифодалаб, белгилаб қўйилган: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари, олий қадрият ҳисобланади».

Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишидир. Қонунларга амал қилиб ҳаёт кечириш олий эътиқодга айланган. Қонун ҳамма учун бирдай кучга эга ва барча фуқароларга, уларнинг «Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсийда қатъи назар қонун олдида тенглик» ҳуқуқи берилган. Ҳатто имтиёзлар ҳам бизда фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

М. ТУРДАЛИЕВ, тумандаги хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус.

Я ҚОМУСИМИЗ - БАХТИМИЗ

Яқинда мен хасталаниб, дастлаб туман тиббиёт бирлашмасида, сўнг шифокорларнинг тавсияси билан вилоят юрак-қон томир касалликлари шифохонасида икки ҳафта давомида ётиб даволандим. Шифохонада менга яхши хизмат курсатишди. Айниқса, шифокору ҳамшираларнинг ширин муомиласи, гамхўрлиги, ўз вақтида қилган муолажалари туфайли тезда оёққа турдим. Шифо топиб, оилам бағрига соғайиб қайтдим. Мен ва мен каби юзлаб беморларга курсатилган намуналий хизматдан кўра шифохонадаги бепул тиббий хизмат, озик-овқатларнинг хилма-хиллиги, дори-дармонларнинг бепул берилиши, беморларнинг соғайиши учун

беҳисоб муолажалар курсатилиши мени жуда ҳайратлантирди.

Биргина вилоят шифохонасида неча юзлаб беморларга шунча маблаг сарфланар экан, бу республикамиз бўйича қанча булади? Ҳукуматнинг халққа курсатаётган гамхўрлигини, меҳрибонлиги-ю, халқларвар сиёсатини баҳолаб бўлмас экан. Биргина халқ саломатлиги йўлида сарфланаётган беҳисоб маблаглар шунча булгандан кейин, бошқа соҳаларга сарфланаётган маблаглар қанча экан?

Ҳа, буларнинг бари Юрбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган одилона ва оқилона сиёсатнинг натижасидир. Қолаверса, юртимизда Конституциямиз - Бош Қомусимизга сўзсиз барча

бирдек қатъий амал қилишидир ва бу яна қонун устуворлиги устун булган жамиятнинг асосий гоёсидир.

Бош Қомусимизнинг IX боб, 40-моддасида: "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга", - дейилганидек, мен ҳам жонаҳон Ўзбекистонимизнинг бахтли фуқароси сифатида ана шу имкониятдан фойдаландим. Ҳозирда фарзандларим, неваравларим бағрида ҳукуматимиздан, соғлиқни сақлаш ходимларидан, қолаверса, бизнинг бахтсаодатимиз учун яратилган бош Қомусимиздан миннатдорлик ҳиссини туйиб яшайман.

М. МАЪРУПОВА, меҳнат фахрийси.

СИҲАТИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

МУТАХАССИС БОНГ УРАДИ

СУВДА ОҚАЁТГАН ТАГЛИКЛАР

Дарҳақиқат, сув табиатининг бебаҳо инъомидир, сувсиз ер юзида ҳаёт булмас эди. Олимларнинг кўпчилиги ҳам илк содда организмлар сувда пайдо булганини тан олишади. Сув бор экан ўсимликлар дунёси, ҳайвонот олами ва биз инсонлар тирикмиз. Қадим замонданоқ инсонлар сувни мукаддасбиблии эъзозлашган, сув манбалари бор жойларга, бўлоқ, сои-дарё, куллар буйлариди ва уларга яқин жойларда инсонлар ўзларининг яшаш жойларини барпо этишган. Сувдан фойдаланиб деҳқончилик билан шуғулланишган. Бундан уч минг йил аввал яратилган зардуштийликнинг муқаддас китоби "Авесто"да ҳам, сувнинг нақадар муқаддас неъмат эканлиги, борлиқнинг тириклиги у билан боғлиқлиги таъкидланади. Уша пайтда кимки сувга тупирса, ахлат ташласа, сувни булгаса у шох бўлсин хоҳ оддий инсон уни қаттиқ жазолашган ва ўз сафларидан бадарга қилишган.

лаб кетиш ҳолатлари учраб тургани ҳеч кимга сир эмас. Бир мен ташламаганим билан чиқинди камайиб қолармиди, деган ибора билан яшасак, шу тарзда давом этираверсак келажақда биз ва бизнинг фарзандларимиз қандай сув истеъмол қилиши мумкин. Юқоридаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича туман инспекцияси ходимлари томонидан мунтазам равишда "Рейд" тадбирлари олиб борилиб, утган октябрь ва ноябрь ойининг узида 20 нафар фуқароларга МЖТКнинг тегишли моддалари билан маъмурий баёнотлар тузилди. Шу ўринда яна бир бор айтиш жоизки, ҳозирги бутун дунёга хавф солиб турган пандемия даврида биз бир ёқадан бош чиқариб гузал табиатимизни, тоза ичимлик сувимизни, Аллоҳ яратган неъматларни қадрга етиб, уни асраб-авайлашимиз лозим.

Ҳозирги кунда инсонлар томонидан турли хилдаги маъиший чиқиндиларни ҳаттоки болалар тагликларини ҳам дарё, сой ва каналлар, йул буиларига кўр кўрона таш-

Азамат КАРИМОВ, туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси бош мутахассиси.

Аҳолини рўйхатга олиш 2023 йилга қолдирилди

"Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"-ги 2019 йил 5 февралдаги ПФ-5655-сон Фармонида белги-ланган вазифалар ижросини самарали ташкил этиш, аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий ва методик принципларини, дастурий-техник таъминоти ва маълумотларни қайта ишлашнинг технологик жараёнларини синовдан ўтказиш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг аҳолини рўйхатга олишга тайёр-гарлик куриши ва уни ўтказиш жараёнларидаги масъулиятини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 710-сон қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорга мувофиқ аҳолини рўйхатга олиш 2023 йил 1-25 ноябрь кунлари, синов тариқасида рўйхатга олиш тадбири 2021 йил 1-25 ноябрь кунлари Анди-жон вилоятининг Хўжаобод тумани, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани, Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ҳамда Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида амалга оширилиши бел-гилаб ўтилди.

Шунингдек, ушбу Қарор билан аҳолини рўйхатга олиш тар-тиби дастури рўйхатга олиш варақлари, тадбирга жалб этил-ган жисмоний ва юридик шахсларга ҳақ тўлаш тартиблари ва йул хариталари иловаларга асосан тасдиқланди.

Туман статистика бўлими.

Тумандаги «Chust parrandachilik» (СТИП: 305568508) ва «Chust Yakkabuloq» (СТИП:303129911) фермер ҳўжаликлари «Dolina Agro Chicken» (СТИП:307407848) МЧЖга қўшилганлиги билдирилади.

«Chust Yakkabuloq» фермер ҳўжалигининг юмалоқ муҳри ва там-гаси йуқолганлиги билдирилади.

Туман тиббиёт бирлашмаси бирлашма раҳбари в.б. Фаҳриддин Зокировга падали бузруквори Ҳамитхон ҳўжи отанинг вафоти му-носабати билан чўхур қайғу билдириб, таъзия изҳор этади.

Халқ демократик партияси туман Кенгаши партия фаоли Фаҳрид-дин Зокировга отаси Ҳамитхон ҳўжи отанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ОИВ•ОИТС ЭПИДЕМИЯСИ ДУНЁ БЎЙЛАБ ШИДДАТ БИЛАН ТАРҚАЛМОҚДА. АЙНИ ВАҚТДА ЕР ЮЗИДА ОИВ БИЛАН ЯШАЁТГАН ШАҲСЛАР СОНИ 40 МЛН.ДАН ОРТИҚНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ЕР ЮЗИДА ҲАР КУНИ ОИВ ЮҚТИРГАНЛАР СОНИ 16 МИНГДАН ОРТАПТИ. ОИВ-ИНФЕКЦИЯСИ ОДАМНИНГ ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИ ОҚИБАТИДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН СУРУНКАЛИ ЮҚУМЛИ ИММУНИТЕТ КА-САЛЛИГИДИР.

ИЛЛАТЛАРДАН ЙИРОҚ БЎЛСАК...



ОИТС - одамнинг иммуни-тет танқислиги синдроми бўлиб, ОИВ касаллигининг сўнгги терминал босқичи ҳи-собланади. Бу касалликда ОИВ вируси одамнинг имму-нитет системаси, яъни орга-низмни юқумли ва юқумсиз касалликларга қарши кура-шиш қобилиятини йўқотади. Натижада қайсидир касаллик сабабли одам ўлади. ОИВ ка-саллигини ОИВ вируси келти-риб чиқаради. ОИВ касал-лигининг ёмон томони вирус одамга юққандан сўнг 5-10 йилгача соғлом одамдай ҳаёт кечирishi мумкин. Лекин ўзи билмаган ҳолда вирусни бошқаларга турли йуллар бил-дан юқтириш эҳтимоли юқори бўлади.

дан болага - ОИВ касаллиги билан оғриган онадан болага ҳомила орқали туғиш жараё-нида ва сут орқали юқиши мумкин. ОИВ касаллиги қуйидаги ҳолларда юкмайди: қўл бе-риб кучоқлашиб куришганда, ўпишганда, йўталганда ва ак-сирганда, умумий идиш-то-воқдан фойдаланганда, уму-мий ҳўжатхонадан фойдалан-ганда, бирга чўмилганда, ички ва сиртки кийимлардан фой-даланганда, ҳашаротлар чақ-қанида. ОИВ касаллиги ОИТСга хос айрим белгилар: лимфа туғунларининг катталашуви, 1 ойдан ортиқ сабабсиз исит-малаш, сабабсиз тана вазни-нинг камайиб кетиши, юқори нафас йуллари касалликларин-нинг тез-тез қайталаниши,

терини ҳар хил тошмали ка-салликлари ҳисобланади. Агар ўзингизда ушбу белги-ларни сезсангиз кўнглингиз тўқ булиши учун шифокорга мурожаат қилиб, ўзингиз хоҳ-лаган тиббиёт муассасасида ОИВ касаллигига сир сақла-ган ҳолда бепул текширтири-шингиз мумкин.

ОИВ касаллигини айнан даволайдиган дорилар топил-маган, ҳозирги вақтда бемор-ларга давлат томонидан бе-пул таъминлаётган ретрови-русларга қарши дорилар ОИВ вируси қўлайишининг олдини олиб, бемор умрини узайти-ради холос.

Шунинг учун ОИВ касал-лигининг олдини олишнинг энг асосий ва самарали восита-си бу соғлом турмуш тарзи-га риоя қилишдир. Шунинг учун ҳар бир одам оилада, жамиятда соғлом турмуш тар-зини ўтказиши, ахлоқан ва маънавий пок булиши, гиёҳ-вандлик, майпарастлик, фо-ҳишабозлик ва бошқа иллат-лардан йироқ булиши лозим.

Ж. ҚУРБАНОВ, Чуст туманлараро ОИТС лабораторияси мудир.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Организмга овқат орқали касаллик қўзғатувчиларнинг ва бошқа ёт моддалар би-лан заҳарланган маҳсулотларнинг тушиши билан кечадиган касаллик овқатдан за-ҳарланиш дейилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари қатор ҳолларда оғир ёки энгил заҳар-ланишга, баъзан улимга сабаб булиши қадимдан маълум. Овқатдан заҳарланишни турли микроорганизмлар пайдо қилишига қарамай, улар учун бир қанча умумий аломатлар характерлидир. Одам фақат зарарланган овқатни эмас, балки касаллик қўзғатувчиси - микроблар кўпайган таомни истеъмол қилганда ҳам заҳарланади. Нотўғри сақланган озиқ-овқат маҳсулотларида касаллик қўзғатувчилари кўпаяди.

Ботулизм - овқатдан заҳарланиш касал-ликлари ичида асаб тизимининг зарарлани-ши билан кечадиган оғир хасталиқдир. Ка-саллик қўзғатувчи микроблар одам ва иссиқ қонли ҳайвонлар ичагида касалликнинг ҳеч қандай аломатларини пайдо қилмай яшайди. Сигир, от, чўчка, товуқ, кемирувчилар ича-гида кўпинча қўзғатувчилар топилади. Ичақ-да нажас орқали ташқи муҳитга тушган қўз-ғатувчилар спораларга айланади, сабзавотлар-да, тупроқда, сувда ва ўсимлик баргларида, утларда, бедада ва ҳоказоларда сақланади, касаллик қакиради. Қўзғатувчилар айниқса, гўнг солинган тупроқда кўп бўлади.



Озиқ-овқат маҳсулотларига зарарланган тупроқ тушганда одам бу овқатдан заҳарла-нади. Колбаса тайёрлашда яхши тозаланма-ган ичақдан фойдаланиш, гўштни етарлича қайнатмаслик оқибатида ҳам бу маҳсулот-лар тез бузилади. Ҳали ҳам учраб турадиган ботулизмга уйда консерваланган маҳсулот-лар, асосан қўзиқорин, сабзавот консерва-лари ва қуритилган балиқ сабаб бўлади. Уйда консерваланганда хатога йул қўйиш хавфли. Масалан, қўзиқорин, сабзавот ва меваларни консервалашдан олдин яхши тозаласлик, етарлича стерилизация қилмаслик натижа-сида масаллақча тушган споралар тирик қола-ди. Яхшилаб ёпилган банкалар ичидаги кис-лородсиз муҳит спораларнинг кўпайишига ва токсин ажратишига қудай шароит ҳисобла-нади. Бузилган овқатни егандан 6-48 соат

ўтгач касаллик бошланади, баъзан 3-7 кун-дан кейин рўёбга чиқади.

Касаллик заҳарланиш аломатлари билан бошланиб, меъда оғирлашади, кўнгил айний-ди, бемор қусиши ва ич кетиши мумкин, ҳар-орати кўпинча нормал бўлади, баъзи ҳол-ларда иситма чиқади. Беморни дарҳол ка-салхонага ётқизиш зарур, акс ҳолда унинг аҳволи оғирлашиши мумкин. Бемор қанчалик эрта даволанса, шунчалик тез соғаяди.

Ботулизм спораларининг ташқи муҳитда кўп тарқалганлигини ҳисобга олиб, масаллиқлар-ни тайёрлашда ва консервалашда тозалликка риоя қилишни унутмаслик керак.

А. ҚУНДУЗОВ, туман СЭО ва ЖС бўлими овқатланиш гигиенаси врач.

тегишли ҳайдовчилик гувоҳномаси йуқолганлиги билдирилади.

Марҳум Мирзаев Миррахимжон номида булган Чуст шаҳар, Боғи Эрам МФЙ, Боғи Эрам кўчаси, 13-уйга нисбатан мсрос иши очилганлиги маълум қилинади. Меросхўрлар тегишли нотариал идо-рага келишлари мумкин.

Чуст тиббиёт коллежи томонидан Раҳмонали-ева Фозила Анваржон қизига 2019 йилда «Тиб-биёт ҳамшираси» ва «Умумий амалиёт ҳамшира-си» касби бўйича берилган К№5540149 рақамли диплом йуқолганлиги билдирилади.

Абдулхамидов Сарварбек Фаффоржон ўғлига

Энди шеър ёза бошлаган хаваскор пайтимиз. Устоз Ҳабиб Саъдулла бошчилигидаги Езувчилар уюшмаси вилоят бўлими қошидаги тугарақда шуғулланамиз. Бир кунни Ҳабиб ака:

- Бугун мен сизларни шоир Саловат билан таништираман. Қани шоир, ўз ижодингиздан баҳраманд этинг, бир мазза қилайлик, - дедилар.

Сариқшингил, кулиб турган йигит киймаиб, 3-4 та қисқа-қисқа шеър ўқиди.

Шоир ҳақида унинг шеъри гапирди, - дедилар Ҳабиб ака мамнунлик билан. Сарлавахдаги сатр Саловат Маҳмудга нисбатан хурмат пайдо қилган машқларидан эди.

Бугун 60 ёшга тулган педагог-шоир шеърят чаманига балки олтимиш бир йил олдин кириб келгандир, балки ундан кўп. Ахир - сўз илоҳий, истеъдод эса томир суриб келади. Балки, шунинг учун ҳам сўз санъаткорларини туғилган, деб эмас, дунёга келган, деб айтаемиз.

Тақдир тонгда менга шеър берди. Узун экан, ақлим-чи, ноқис. Ёдлаш учун чоғроқ ер берди, Уқайлман чуққонимча тиз.

Ватан тарихидаги ҳар бир сана муҳим. Аждодлар қаҳрамонлиги унутилмаслиги керак. Улар эзгу ишларга хоҳишлари билан эмас, юрт учун, келажак учун отланганлар. Тарих галабалар жаранги билангина эмас, дард билан, изтироблар билан тўла:

Фирсат ўтар Фирқатни қувиб, Муқимийни муқим қилар шеър, Юрт Отабек - Қодирий тўғиб, Қисматини айлар қаро ер.

Саловат - Ватан тақдирини ҳис этади, унинг қадрни абад бўлишини орзу қилади. Она Ватан келажаги эса заҳматқаш ўқитувчиларга боғлиқ. Бу

қараш шоирнинг қалб оҳанглари ташкил этади. "Умрнинг етти довони" дostonида муаллимлик касбининг энг қийин қирраларини ифодалаган. Шунинг учун ҳам бу дoston республика курик-танловида "Уқитувчи ҳақидаги энг яхши бадий асар" деб баҳоланган.

Бола эрта - келажакнинг - Навниҳоли, мўрт, нимжон. Устоз унинг нигоҳбони - Қили энгил бир боғбон...

Шукурким, эндиликда жамятимизда устозлар меҳнатига муносиб баҳо берилмоқда. Уларнинг фидойи инсонлар экани тан олинаётир. Шоир шу кунларни олдиндан кўра билгандек гўё.

Эзгуликсиз яшашнинг асло фойдалари узундан узоқ сўзбозликдан, фикрлар тарқоқлигидан, уринсиз тасвирлардан ҳоли. У лундалик ва ихчамликини қўллар экан, сўздан зарғарона фойдаланишга интилади. Ноурин тақрорлардан қочади. Шеърнинг якуни эса албатта, салмоқли хулоса билан зийнатланади. Унинг қаламидаги бундай ўзига хослик бежизга эмас. "Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар", - дейди донолар. Саловат Маҳмуд устоз Ҳабиб Саъдулланинг мактабидан узоқ вақт баҳраманд бўлган ижодкорлар авлодига мансуб. Бу Саловат учун ҳам фахр, ҳам масъулият, ҳам улуг устоз олдидаги қарздорлик, ҳам сабоқдошлари билан яхши маънодаги рақобат. У узининг "Гул қатида наволар қолур"



Аммо битта "айби" бор, айтмасам бўлмас, бу унинг ўта камтарлигидир. Шунинг учун ҳам юқоридаги мулоҳазаларга мос келармикин, деган андишада шеърйи кутлов қораладим:

Олтимшига кирибди Саловат Маҳмуд. Халоллик, тўғрилик йўлидан юриб. Кўнглин осмонда йўқ, қора бўлиб. Навиҳон йўғитдай тўғрибди кулиб. Самимий табассум юзида ҳоким. Мудом саттадилар шеър аҳли ара. Фозилар бўлади шундай мулоим. Сўз танлаш бобидо саттиби дунё. Олтимшига кирибди Саловат Маҳмуд. Дўстлар кўтлаш учун қадирмоқда сўз. Камтарин сифатлар унда боварқуд. Дер: ҳатто бош эгар гунчалар гул қаз. Юрак доим ўйлақ, юрак беорам. Достони беъодди яна битта боб. Ижод завқин тўғилш бўлсин бардавом. Довонларнинг орти янги бир китоб. Шоир ёза берсин дилтортар шеърлар. Тўта берсин турфа рангин гулдаста. Синчиклаб ўқиймиз биз Алишерлар. Иштиёқ, эзтиром бирла ҳавасда. Алишер БОБОХУЖАЕВ.

ШАБНАМААРГА ЧАЙИЛГАН ГУАЛАР

си йўқ. Шоир булбули хушхон билан суфитургайни таққослар экан, фикр сунгида яна яхшилик ва унинг қиймати буй курсатади:

Булбул хушхон нечун нолон ўтур, Сўфитургай азони - гул шабнами. Яхшилик қилмай агар ўтказ умр, Ёнмағайдир охиратингни шами.

Саловат Маҳмуд ижодида мумтоз шеърятимиздаги ўлмас образлар кўп бора тилга олинади. Эътиборга лойиқлиги шундаки, бу тимсолларни ўқувчига янгича қиёфада, янги бир мазмун ила тақдим этади.

Сўз масъулиятини теран ҳис қила билиш алоҳида фазилат. Саловат шеър

тўплами, "Умрнинг етти довони", "Виждон" дostonлари билан устоз Ҳабиб Саъдулла мактабидаги ҳар бир ижодкор неларга қодир эканини исботлай олди. Улуғ устоздаги одамийлик сифатлари ҳам унда кўп бора сезилганлиги барчага маълум. Саловатнинг шеърларида қалб тозаллиги, фазилатлар кетма-кетлиги, инсон руҳиятининг эзгу қирралари улуғлауишининг сабаби ҳам шундандир. Уйлаб қарасам, Саловатни яқиндан билишим жуда узоқ йилларга борар экан. Бегуорлиги, дўстлар ютуғидан қувона олиши унинг кўпчилиқка маълум фазилатларидир.

Донишмандлар тавсия қилган сирлар

"Донишмандларнинг айтишларича, сир сақланиши лозим бўлган нарса - узоқни кўзланган режалар. Бу режалар амалга ошмагунча уларни ҳеч кимга айтманг. Бизнинг ҳар бир гоёмиз ўзимизга қарши ҳам ишлатилиши мумкин.

"Сир сақланиши тавсия этилган иккинчи нарса қилган хайр-саховатимиз ҳақида гапирмасликдир. Саховат ноёб нарса бўлиб, уни кўз қорачигидек асраш даркор. Қилган яхши амалингиз билан мақтанманг. Кибр хайрли амалингиз ортидан келган яхшиликни тортиб олади.

"Донишмандлар бировларга ошкор қилмасликни тавсия этган учинчи нарса бу ўз дидингиз ҳақида гапиришдир. Дуч келган кишига қандай овқатларни ёқтиришингизу нималарни емаслигингиз, қанча ухлашингиз ҳақида гапираверманг.

"Бошқалар билан ўртоқлашиш лозим бўлмаган тўртинчи нарса оилавий низолар ва умуман, шахсий ҳаётдир. Ёдда тутинг, оилангиздаги муаммолар ҳақида қанчалик кам гапирсангиз, оилангиз шунчалик мустаҳкам бўлади.

Азиз муштарийлар!

СЕВИМЛИ ГАЗЕТАНГИЗ - «ЧУСТ ҲАҚИҚАТИ»ГА 2021 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТАПТИ

Сиз муштарийларнинг газетамизни қўллаб-қувватлашингизга ишонамиз. Обунанинг йиллик баҳоси: 120 минг сўм.

Обуна таҳририятда ва барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда. Таҳририятда терминал ишлаб турибди.

Газетамизнинг Чуст «Халқ банки»даги ҳисоб рақами: 2021000000362565001. МФО: 00715 ИНН: 200068258.

ҲИКМАТ
Ғазаб шонингга ўхшайди, бир кўтарилиб кейин тинади. Лекин ортидан кўп дароҳтарнинг шохини синдириб ташлаган бўлади...
Жалолуддин РУМИЙ.

Саховатингизни аяманг!

Каркидон қишлоғи, Лайлак-уя маҳалласида яшовчи Юлдашева Марлифат Саидзимова суяк емирилиши касаллигидан азият чекмоқда.

Хурматли саховатпеша инсонлар, Марифат аянинг оёққа туриб кетиши учун ўз саховатингизни аяманг!

Унинг «Халқ банки»даги қуйидаги 22618000265185864200 ҳисоб рақами.

Марҳум Олимов Турғунбой номидан бўлган Ёрмоқ МФЙ, Нурашшон кўчаси, 6-уйга нисбатан мерос иши очилганлиги маълум қилинади.

Меросхўрлар тегишли нотариал идорага келишлари суралади.

Адашев Соҳиб Фозилжоновичга тегишли ҳайдовчилик гувоҳномаси ва паллат рақами W 688 LA бўлган Ласетти русумли автомашинанинг техник паспорти иуқолганлиги билдирилади.

Рўзималиев Абдуғофиржон Раҳмонлиевга тегишли давлат рақами W 589 PA бўлган «Дамас» русумли автомашинанинг техник паспорти иуқолганлиги билдирилади.

ҚУТЛОВЛАР

ҲИСОРАКЛИК ХАЙДАРАЛИ ОТА БОБОЕВ, ҚУЙДАГИ ТАБРИК СИЗГА АТАЛГАН



Оиламиз устунни, азиз ва меҳрибон дадажонимиз! Таваллуд айёмингиз - 62 ёшингиз муборак бўлсин. Сиз кўп йиллар ҳисобчи вазифасида ишладингиз. Фарзандларингизни ҳам эл қорига ярайдиган, ўқимшли инсонлар қилиб вояга етказдингиз. Сиздек меҳрибонимиз билан фахрланамиз. Шундай кутлуг кунда сизга Яратгандан соғлиқ-омонлик, узоқ умр сураимиз. Меҳрибонимиз, онажонимиз билан қўша қариб, кексаллик гаштини суриг.

Фарзандларингиз: Қаҳрамон, Каҳроржон, Қодиржон, Дониёрлар номидан қизингиз Мафтуна.

ЗУХРАХОН ҲОЖИ АЯ АСРОРОВА, ДИЛБАНДЛАРИНГИЗ ДИЛ ИЗҲОРИ СИЗГА АТАЛГАН



Оиламиз фариштаси, мунис ва меҳрибон онажонимиз, таваллуд айёмингиз - 60 ёшингиз муборак бўлсин. Сиз кўп йиллар эл-юрт соғлиги йулида меҳнат қилдингиз. Беморлар дардига шифо бўлиб, уларнинг дуосини олдингиз. Биз фарзандларингизни ҳам яхши, юрта камарбаста инсонлар қилиб тарбияладингиз. Бахтимизга ҳамisha соғ бўлинг, яна кўп йиллар яшаб, давраларингиз турини тўлдириб юринг.

Кўлин очса дунёга асрайди сени, Кечаю кундуз ҳам ўйлайди сени.

Онадек ҳеч ким қутмайди сени, Онадек яқин дўст борми дунёда?

Фарзандларингиз: Нозира, Мирсаид, Мафтуна, Жавоҳир, набираларингиз ва келин-куевларингиз номидан қизингиз Мадина Шодмонова.

СЕВАРА НУРИДДИНОВА, ҚУЙДАГИ ТАБРИК СИЗ УЧУН



Самимий, камтар ва меҳрибон синглим, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин. Сиз ўқитувчиликдек шарафли касбни эъозлаб, еш авлод таълим-тарбияси йулида меҳнат қилмоқдасиз. Шундай кутлуг кунда сизга яратгандан соғлиқ-омонлик, узоқ умр тилаймиз. Оилангиз, яқинларингиз бахтига ҳамisha соғ бўлиб, бахту бекамликда яшанг.

Опангиз: Мадина Шодмонова.